Xalq deputatlari Boyovut tumani Kengashi

Q A R O R

2020 йил 17 декабрь **15/84-6-сон** **Боёвут ш.**

“Қарапчи” маҳалла фуқаролар йиғинини бўлиш йўли билан янгидан маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида”ги 2013 йил 22 апрелдаги 350-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда), Ўзбекистон Республикасининг “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги 2011 йил 12 октябрдаги 303-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 448-модда, 35-сон, 914-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 107-модда) га мувофиқ, географик объектларни номлаш соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрдаги 913-сонли (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари Боёвут туман Кенгаши сессияси **қарор қилади:**

1. “Қарапчи” маҳалла фуқаролар йиғинини иккига бўлиш йўли билан янгидан маҳалла фуқаролар йиғинларини тузиш, уларнинг чегараларини белгилаш ва ном бериш тўғрисидаги “Қарапчи” маҳалла фуқаролар йиғинининг илтимосномаси ҳамда туман ҳокими томонидан киритилган таклиф маъқуллансин.

2. “Қарапчи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди ва аҳоли пунктлари иккига бўлиниб, янгидан ташкил этилаётган маҳаллаларнинг чегаралари ва ҳудудлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фаолият кўрсатаётган “Қарапчи” маҳалла фуқаролар йиғини номи аслича ўзгаришсиз, янгидан тузилган маҳаллага “Янгиавлод” маҳалла фуқаролар йиғинлари номлари берилсин.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлими (С.Турдибоев) “Қарапчи” маҳалла фуқаролар йиғинини бўлиш йўли билан янгидан ташкил этилаётган “Янгиавлод” маҳалла фуқаролар йиғинига иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан белгиланган меъёрда штат бирликлари ажратсин.

5. Туман статистика бўлими (Б.Марипов) ушбу қарорга мувофиқ аҳоли пунктларининг статистик кўрсаткичларига икки ҳафта муддатда зарур ўзгартиришлар киритсин.

6. Қарордан нусха географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича вилоят комиссиясига маълумот учун юборилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Боёвут тумани Кенгашининг ижтимоий-маданий, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси Ж.Аллаёрова ва туман ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи С.Мирзаева зиммаларига юклатилсин.

Сессия раиси **О.Исанов**

Халқ депутатлари Боёвут тумани
Кенгашининг 2020 йил 17 декабрдаги
15/84-6-сонли қарорига илова

“Қарапчи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди ва аҳоли пунктлари иккига бўлиниб, янгидан ташкил этилаётган маҳалланинг чегаралари ва ҳудудлари

1. “Қарапчи” МФЙ нинг жами ер майдони - 136,9 га. Хонадонлар сони - 771 та, Аҳоли сони 3933 нафар.

Чегаралар таснифи:

Жанубдан-Шимолгача - (1-2) Жаннатмакон кўчаси йўналиши оралиғидаги 6 та якка тартибдаги хонадонлар.

Шарқдан-Ғарбгача - (2-3) Дўстлик канали йўналиши бўйлаб, Бахтиёр ёшлар кўчаси оралиғидаги якка тартибдаги 22 та хонадонлар.

Шимолдан-Жанубгача - (3-4) Очиқ зовур орқали Элпарвар хамда Мароқанд кўчалари оралиғидаги 27 та якка тартибдаги хонадонлар.

Ғарбдан-Шарқгача - (4-1) Боёвут-Гулистон (4К-654А) автомобил йўли йўналиши оралиғидаги Мароқанд кўчасидаги 57 та якка тартибдаги хонадонлар.

2. “Янги авлод” МФЙ нинг жами ер майдони – 341,1 га. Хонадонлар сони - 1218 та, Аҳоли сони - 5000 нафар.

Чегаралар таснифи:

Жанубдан-Шимолгача - (1-2) Янгиер-Тошкент Темир йўли йўналиши оралиғидаги намунали турар жойлар ва Манавият кўчасидаги 14 та якка тартибдаги хонадонлар, янги курилган 5 қаватли турар жойларнинг орқа оралиғидан хамда Янги хаёт , Дўстлик, Истиқлол кўчасидаги 21 та якка тартибдаги хонадонлар.

Шарқдан-Ғарбгача - (2-3) Гулистон-Боёвут (4К-654А) автомобил йўли йўналиши оралиғидаги Янги хаёт ва Қарапчи кўчаларидаги 34 та якка тартибдаги хонадонлар хамда (Олмос сехри ф/х) Қишлоқ хўжалиги ерлари.

Шимолдан-Жанубгача - (3-4) (Олмос сехри ф/х) Қишлоқ хўжалиги ерлари.

Ғарбдан-Шарқгача - (4-1) (Олмос сехри ф/х) Қишлоқ хўжалиги ерлари (Ибодуллаев Музаффар ф/х) Қишлоқ хўжалиги ерлари, Хавастманд, Махорат, Хур ўлка кўчалари оралиғидаги якка тартибдаги 63 та хонадонлар.